



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI
BUYRÍGÍ**

18«iyul»2023 jil.

592-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил
17 июлдаги “Спортнинг белбоғли кураш тури бўйича ўсмирлар ва қизлар
ўртасида Ўзбекистон кубогини ўтказиш тўғрисида”ги 03/930-A/F-сон буйруғи
ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 17 июлдаги “Спортнинг белбоғли кураш тури бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон кубогини ўтказиш тўғрисида”ги 03/930-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 17 июлдаги 03/930-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Спортнинг белбоғли кураш тури бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон кубогини (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) 2023 йил 1-Завгуст кунлари Бухоро вилояти Ғиждувон туманида ўтказилиши инobatга олинсин.

3. Мусобақада иштирок этадиган жамоа аъзоларини сафар харажатлари сафарга юборувчи ташкилот томонидан қоплансин.

4. Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси Қорақалпоғистон бўлими ((**Қ.Сариев**))га:

а) ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг терма жамоаси иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилсин;

5. Девонхона (**Б.Толыбаев**)га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров